



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 7, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
VOLUME 7, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2024

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлоқ
хужалиғини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далам педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

Page Maker | Верстка | Са, ифаловчи: @tadqiqotdesign

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


1. Жаҳонгирбек Жонқобилов СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	4
2. Обиджан Мадаминов ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10
3. Акмал Менглибоев СУРХОН ВОҲАСИДА 1921-1922 ЙИЛЛАРДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КУЧАЙИШИ.....	15
4. Baxtiyor Nazirov XOTIN-QIZLAR SPORTINI RIVOJLANTIRISHNING ISTIQBOLLARI VA MAVJUD MUAMMOLAR.....	22
5. Mukhiddinjon Primov O‘ZBEKISTONDA KARTOGRAFIK FAOLIYATNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TEKNOLOGIYALARNING QO‘LLANILISHI.....	28
6. Asror Raximov QARSHI CHO‘LI TARIXIGA NAZAR.....	35
7. Kamoliddin Toshov IKKINCHI JAHON URUSH YILLARIDA SURXONDARYO VILOYATI AHOLISINING G‘ALABAGA QO‘SHGAN MUNOSIB HISSASI.....	42
8. Sanjarbek Shoyimov SOVET-AFG‘ON URUSHIDA O‘ZBEKISTONNING ISHTIROKI VA URUSHNING U UCHUN SALBIY OQIBATLARI.....	49
9. Ikrom Xudayberdiyev DYURAND CHEGARA CHIZIG‘IGA AFG‘ONISTON VA POKISTONNING MUNOSABATI.....	57
10. Иззат Юсупов МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” БУХОРО САМАРҚАНД ВА НАВОИЙ ФИЛИАЛЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	63
11. Шерзоджон Чориев АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	69
12. Мардон Хасанов ХОРАЗМДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДИНИЙ ҚАРАШЛАР (ХРИСТИАНЛИК МИСОЛИДА).....	76



Шерзоджон Шокиржонович Чориев,
PhD, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
sherzodch42@gmail.com

АРХИВ ХУЖЖАТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ-ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛЛАР

For citation: Sherzodjon Sh. Choriev. HISTORICAL MATERIALS ON SOCIAL AND LEGAL PROBLEMS OF UZBEKISTAN IN ARCHIVAL DOCUMENTS. Look to the past. 2024, vol. 7, issue 1, pp.69-75

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10614769>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Миллий архивида сақланган республикамиздаги (1924-1941 йиллар) ижтимоий-ҳуқуқий масалалар тарихига оид ҳужжатларнинг манбавий аҳамиятини очиқ берилган ҳамда бир қатор тарихий маълумотлар илмий таҳлил этилган.

Шунингдек, тадқиқотда Ўзбекистон ССРда (1924-1941 йилларда) совет ҳокимияти томонидан бой, батрак, чорикор, кулоқ каби ижтимоий табақаларнинг тугатилиши ҳамда оммавий коллективлаштириш сиёсати натижасида пайдо бўлган янги ижтимоий табақалар тарихига оид маълумотлар берилган.

Шу қаторда, аёлларнинг паранжи ташлаши натижасида республикамизда пайдо бўлган ижтимоий муаммолар ва совет ҳокимиятининг амалга оширган чора тадбирлари ҳам ёритиб берилган.

Калитли сўзлар: Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон ССР, батрак, чорикор, пролетар, ижтимоий-ҳуқуқий, паранжи, колхочи, совет ҳокимияти, ҳисобот, маъруза, ҳужжат

Шерзоджон Шокиржонович Чориев,
PhD, доцент
Национальный университет Узбекистана
sherzodch42@gmail.com

ИСТОРИЧЕСКИЕ МАТЕРИАЛЫ ПО СОЦИАЛЬНО-ПРАВОВЫМ ПРОБЛЕМАМ УЗБЕКИСТАНА В АРХИВНЫХ ДОКУМЕНТАХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрывается источниковое значение документов, связанных с историей общественно-правовых вопросов в нашей республике (1924-1941 гг.), хранящихся в Национальном архиве Узбекистана, и научно анализируется ряд исторических данных.

Также в исследовании приводятся сведения об истории ликвидации советской властью в Узбекской ССР таких социальных классов, как бай, батрак, чарикор и кулак (1924-1941 гг.)

и истории новых социальных классов, возникших как результат политики массовой коллективизации.

Кроме того, были освещены социальные проблемы, возникшие в нашей республике в результате снятия женщинами чадры и мер, принятых советским правительством.

Ключевые слова: Национальный архив Узбекистана, Узбекская ССР, чарикар, батрак, пролетар, социально-правовой, паранджи, колхоз, Советская власть, отчет, доклад, документ

Sherzodjon Sh. Choriev,
PhD, Associate Professor
National University of Uzbekistan,
sherzodch42@gmail.com

HISTORICAL MATERIALS ON SOCIAL AND LEGAL PROBLEMS OF UZBEKISTAN IN ARCHIVAL DOCUMENTS

ABSTRACT

This article reveals the source significance of documents related to the history of social and legal issues in our republic (1924-1941), stored in the National Archives of Uzbekistan, and scientifically analyzes a number of historical data.

The study also provides information about the history of the liquidation by Soviet power in the Uzbek SSR of such social classes as bai, farm laborer, charikar and kulak (1924-1941) and the history of new social classes that arose as a result of the policy of mass collectivization.

In addition, the social problems that arose in our republic as a result of women's removal of the veil and measures taken by the Soviet government were highlighted.

Index terms: National Archive of Uzbekistan, Uzbek SSR, charikar, batrak, proletarian, socio-legal, parandji (burqa), collective farm, Soviet power, statement, report, document

1. Долзарблиги:

Ўрта Осиёда ўтказилган миллий ҳудудий чегараланиш сиёсатидан сўнг, Ўзбекистон ССР таркибига Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР таркибидаги бир қанча ҳудудлар ҳам киритилди. Республика дастлаб ташкил этилган йиллари Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ҳудудлари ҳали тўла назоратга олинмаган эди. Ҳукумат ўз фаолиятини олиб бораётган бир пайтда унинг сиёсати барча ҳудудларни тўла қамраб олмади. Янги ташкил этилган республика ҳудудида Туркистон АССР даврида мавжуд бўлган ижтимоий муаммолар сақланиб қолди. Ўлкада мавжуд ижтимоий табақаларнинг юзага келиши, ер ислохотлари ва колхозлаштириш сиёсатидан сўнг янги совет табақаларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Ҳозирга қадар совет даврига бағишланган тарихий тадқиқотларда аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий масалалари тарихига доир архив манбаларининг аҳамияти очиб берилмаган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Архив ҳужжатларининг манбавий аҳамиятини очиб беришда тарихий манбашунослик тарихий тадқиқот усуллари муҳим аҳамият касб этади. Архив ҳужжатларида Ўзбекистон ССР ҳукумат расмий ҳисоботларида аҳолининг ижтимоий аҳволига оид кўплаб тарихий маълумотлар сақланган. Статистик ҳужжатлар ва совет даврига оид илмий адабиётлардаги маълумотларни таққаслашда қиёсий таҳлил методи мавзуга доир кўплаб тарихий маълумотларга аниқлик киритиш имконини беради. Шунингдек, тадқиқотда бир қатор статистик жадвалларнинг илмий таҳлил этилиши бевосита статистик таҳлил ва аҳоли табақаларига оид маълумотларни туркумлаштиришда мантиқий тизимлаштириш усулидан фойдаланилган.

Бугунги кунга қадар ушбу мавзу тарихий нуқтаи назардан бир қатор муаллифлар томонидан ўрганилган. Хусусан, Р.Х.Аминова, Ш.Шаррапов, А.Н.Нуруллаев, Т.Э.Хўжамбердиев қишлоқларда ижтимоий-иқтисодий синфларнинг ролига оид масалалари таҳлил этилган.

Ўзбекистон ташкил этилган дастлабки йилларда аёллар масаласи энг ижтимоий долзарб масалалардан бири бўлган. Ушбу муаммолар тарихига оид тадқиқотлар Д.А.Алимова, К.В.Нишанбаева, М.Х.Эргашева, Н.Д. Жўраева каби тарихчилар томонидан амалга оширилган. Таъкидлаб ўтилган тадқиқотчилар Ўрта Осиёда аёллар масалалари, аёллар саводхонлигини ошириш муаммолари тарихини ёритиб беришган.

3.Тадқиқот натижалари :

Ўзбекистонда ижтимоий-ҳуқуқий масалалар тарихига тарихий ҳужжатлар бугунги кунда Ўзбекистон Миллий архивининг бир қатор фондларида сақланиб қолган. Таъкидлаб ўтиш лозимки, тадқиқот доирасида кўплаб маълумотлар Ўзбекистон ССР Марказий Ижро кўмитаси (Р-86), Халқ комиссарлари совети (Р-837), Адлия халқ комиссарлиги (Р-904) каби ташкилотларнинг архив фондларида сақланиб қолган.

Шу қаторда архивда сақланган съезд материаллари [1], ҳукумат раҳбарларининг маърузалари[2], ҳукуматнинг расмий ҳисобот нашрлари ва мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқотлар мавзунини ёритишда муҳим манба ҳисобланади. Шунингдек, мавзу доирасида Ўзбекистон ССР Конституцияси, қонун ҳужжатлари ва даврий матбуот материалларидан ҳам кўплаб маълумотлар олиш мумкин.

Айнан архивда сақланган раҳбарларнинг расмий ҳисобот маърузалари, съезд материаллари, комиссарликлар маърузалари, стенограмма ҳужжатларида ушбу масалага оид кўплаб тарихий маълумотлар учрайди

Дастлаб қабул қилинган конституциясида СССР да яшайдиган аҳоли гражданин деб аталди. Совет ҳокимиятининг 1927 йилда амалга оширган ер-сув ислохотлари даврида республикада мавжуд аҳоли табақалари ҳукумат расмийлари томонидан таҳлил этилган ва уларнинг статистик рўйхатлари шакллантирилган.

Ҳужжатлар таҳлиliga кўра улар:

- 1.Батрак
2. Камбағал
3. Оддий ишлаб чиқарувчи
4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга бўлиб табақалаштирилган. Ўз навбатида, ишлаб чиқарувчилар ҳам кичик, ўрта ва савдо айланмасига ва ўзига тўқ гуруҳларга ажратилган.

Республика ташкил этилган дастлабки йилларда эски тузум, яъни Россия империяси давридан қолган атамалар, урф-одатлар ва миллий ананаларни йўқ қилиш, уларнинг совет мафкураси асосида шакллантириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Туркистон даврида мавжуд бўлган батрак, камбағал каби эски тузум атамаларидан воз кечиш мақсадида янгича атамалар киритилган. Масалан, батракни пролетар, камбағални эса яримпролетар атамалари билан аташган[3].

1926 йилда нашр этилган А.Икромовнинг ер ислохотларига бағишланган расмий ҳисоботида ҳам аҳолининг ижтимоий табақалари ҳақида батафсил маълумот бериб ўтилади[4]. Маълумот республиканинг Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари мисолида кўриб чиқилган. Манбада А.Икромов аҳолини синфий табақаларга бўлиб, уларнинг ер ислохотларини ўтказилишига оид ижтимоий қарашлари ҳақидаги хулосаларини бериб ўтган. Унга кўра аҳоли

1. Яримпролетар
2. Камбағал
3. Ўрта ҳол
4. Қулоқ
5. Йирик қулоқ (помещчик) синфларига бўлиб таҳлил қилинган.

Юқорида таҳлил этилган манбалар асосида, Ўзбекистон ССР аҳолисини ер ислохотлари яқунланиш даврига қадар қуйидаги ижтимоий табақаларга бўлиб чиқиш мумкин:

1. Бойлар
2. Рухонийлар

3. Зиёлилар
4. Ўрта ҳол
5. Батрак
6. Чорикор
7. Кичик ер эгалари
8. Камбағаллар
9. Қулоқлар
10. Ишлаб чиқарувчилар
11. Хизматчилар

Аммо шуни қайд этиш лозимки, совет ҳокимиятининг ташкил этилган дастлабки йилларда, яъни 1924/25 йилда давлат идоралари 3142 та бўлган бўлса, 1925/26 йилга келиб уларнинг сони 4097 тага етган[5]. Давлат органлари ва уларда ишчи хизматчилар сонининг ортиб бориши натижасида аҳолининг хизматчилар табақаси ҳам ошиб борди.

А.Икромовнинг расмий ҳисобот нашрида чорикорлар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилган бўлиб, чорикор бу ер эгасининг ерида ўз меҳнат қуроли билан ишлаб ҳосилнинг маълум қисмидан ўзининг меҳнати ва иш қуроли учун меҳнат ҳақи олган. Аммо бой хўжалик ҳосилнинг катта қисмга эгалик қилган. Камбағал эса иш қуроли йўқ бўлиб, иш жараёнида фақатгина ўзининг меҳнати билан иштирок этади ва жуда кам миқдорда ҳақ олган [6]. Ушбу манбада шаҳар аҳолиси йирик бой, ўртача ер эгалари, кичик ер эгаларига ва руҳонийларга бўлиб табақалаштирган.

Аммо шуни қайд этиб ўтиш лозимки, совет ҳокимияти томонидан 1927 йилда бошланган оммавий коллективлаштириш, қулоқлаштириш, индустриаллаштириш ва қатағон сиёсати натижасида Ўзбекистонда юқорида қайд этиб ўтилган бойлар, руҳонийлар, ўрта ҳол, батрак, чорикор, кичик ер эгалари, камбағал каби ижтимоий синфий атамалари йўқ бўлди. Натижада республикада бир қатор янги турдаги жамият табақалари вужудга келди. Ушбу турдаги маълумотлар бугунги кунда республиканинг турли олий органларининг ҳисобот ҳужжатларида сақланиб қолган.

Ўзбекистон ССР Марказий Ижро Қўмитаси фондида сақланган архив ҳужжатларида Ўзбекистон ССРда 1934, 1935, 1936 йилларда судланганлар ҳақидаги сататистик маълумотлар ижтимоий табақалаштирилган ҳолда гуруҳларга ажратилган. Ушбу статистик маълумот берилган ҳужжатда республика аҳолисининг ижтимоий келиб чиқиши куйидагича туркумлаштирилган:

1. Хизматчилар
2. Ишчилар
3. Колхозчилар
4. Якка тартибдаги меҳнаткашлар
5. Қулоқлар
6. Бошқалар (зиёли, руҳоний ва ҳоказо) [7]

Умуман олганда қулоқларнинг қамаш, алоҳида солиқлар жорий этиш, сургун қилиш сиёсатининг олиб борилиши натижасида 1930 йилларнинг охиригага келиб республика қулоқлар ҳам синфий жамият сифатида тугатилди.

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, 1924-1941 йилларда республикада аёлларнинг паранжисини ташлатиш сиёсати авж олди. Бу эса ўз навбатида республика аҳолисининг энг долзарб ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларидан бирига айланди. Айнан ушбу тарихий масалалар акс этган кўплаб ҳужжатлар ЎзМАда архивда сақланган.

Шундай муҳим ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Адлия комиссарининг 1926 йилда “Ўзбекистонда оила-никоҳ ҳуқуқи” номли тезиси ҳисобланади. Тезисда маълумот берилишича, республикада кўпхотинлик, қизларнинг ота-онасининг хохиши билан турмуш қуриши, қизларнинг ўғирланиши каби муаммолар бўлган. Шунингдек, шаҳарларда қизларни 14 ёшдан, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида 9 ёшдан қизларни турмушга бериш ҳолатлари учраб турганини таъкидлаб ўтган [8].

Р-837-фонд таркибида 1927 йил 23 майдаги Халқ комиссарлари йиғилиши

стенографик ҳисобот ҳужжати сақланган бўлиб, унда Адлия комиссари Газиёвнинг маърузаси ўрин олган. Комиссар ўз маърузасида миллий ҳудудий чегараланиш сиёсатидан сўнг адлия ходимлари кўпроқ қуйи давлат аппаратини советлаштириш, районлаштириш аёлларни озод қилиш муаммоларига кўп эътибор қаратиб, уларнинг эркинлиги масаласига алоҳида урғу бериб ўтади. Унинг таъкидлашича, ўша пайтда қишлоқларда паранжини ташлаган аёлларни ўлдириш жинояти жуда кўпайиб кетган [9].

Айнан, 1925-1926 йилларда аёлларнинг озодлиги, нарҳни тушириш ишлари, давлат маблағларини ўзлаштириш жиноятларига биринчи навбатда эътибор қаратилган бўлса-да, жамият ҳаётида қўшхотинлик ҳам кўпайганини ҳужжат сўнгида айтиб ўтилган. Айниқса, Самарқанд ва Тошкентда аёлларга зўравонлик қилиш уйлари экиб юбориш (паранжисини ташлаган аёлларга нисбатан) жиноятлари кўпайиб кетган [10].

Адлия комиссарлигининг ҳисоботларида маълумот берилишича, республикада қизларни ёш турмушга бериш, кўпхотинлик, аёлларни турмушга чиқишга мажбурлаш муаммолари кўп учраган. Қалин пули тўлаш, турмушга чиқишга мажбурлаш, кўпхотинликка қарши курашиш мақсадида Совет ҳокимияти Ўзбекистон ССР жиноят кодексига Маиший жиноятлар боби ва 273, 264, 275 - моддалари қўшилган. Хатто ўзбеклар қизларни турмушга беришда тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида ёш қиз ўрнига ёши катта қизлар тиббий кўриқдан ўтиш ҳоллари кўп учрашини ҳам айтиб ўтган [11].

1927 йил Ўзбекистон ССР Ишчи, деқонлар ва қизил армия депутатлари съездининг стенографик ҳужжатида маълумот берилишича, Қашқадарёдан иштирок этган Шарофатой опа паранжи ташлаш ҳақида шундай дейди: 8 март куни 200 яқин аёллар чодраларини ташлашди. Аммо ҳамон қишлоқларда мулла ва эшонлар паранжини ташламаслик ҳақида тарғибот ишлари олиб бораётгани ва уларга нисбатан кескин чора кўриш лозимлигини айтиб ўтган [12].

1929 йилда биргина Тошкент округида суд органларини фаолиятини ўрганилиши натижасида, аёлларни паранжи ташлаши (баъзи судларда икки томонни яраштириш орқали мурожаатлар ва шикоятлари билан тўхтатилган) ва баъзи жойларда мансабни суистеъмол қилиш жиноятлари кўп учраганлиги қайд этилган. Натижада 44 та судьялар ишдан бўшатилган, улардан 11 тасига жинорий иш очилган [13].

1936 йилгача паранжисини ташлаган аёлларларга нисбатан

Ҳужжатларда маълумот берилишича, аёлларнинг паранжи ташлаши билан боғлиқ жиноят содир этиш 1936 йилда 1935 йилга нисбатан 36,6% га камайган. Статистик маълумотларга кўра, 1935 йилда бу ҳолат билан боғлиқ 582 та жиноят содир этилган бўлса, 1936 йилда 371 та ҳолат қайд этилган [14].

Ушбу жиноятни содир этишда айбланганларнинг ижтимоий таркибини қуйидаги жадвал мисолида кўриш мумкин.

1936 йилда Аёлларнинг паранжи ташлаши билан боғлиқ жиноят содир этганларнинг ижтимоий таркиби [15]

	Ижтимоий таркиби	Одам сони	Ҳолизи
	Қулоқлар	5	1,1 %
	Меҳнатқаш якка хўжаликлар	26	5,3 %
	Колхозчилар	360	73,6 %
	Ишчилар	32	6,5 %
	Турли аҳоли вакиллари	21	4,03 %

Жадвал маълумотидан кўриниб турибдики, аёлларнинг паранжи ташлаши билан боғлиқ жиноятнинг 73,6 % колхозчилар томонидан содир этилган. Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, республикада олиб борилган оммавий коллективлаштириш сиёсати натижасида ислом аналари асосида шаклланган турмуш тарзидан шок усулида воз кечишга мажбурлаш оқибатида колхозчилар орасида ушбу жиноят тури кўп содир этилган. Аммо республиканинг Чуст, Поп, Бешкент, Косонсой, Шаҳрисабз туманларида бу турдаги ижтимоий муаммолар анча камайган ва жиноятлар сони ҳам жуда кам қузатилган. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 40 йилларга келиб колхозларда паранжи ташлаганлиги учун эри

билан ажрашиб бошқага турмушга чиқиш, паранжи ташлаганларни зўрлаш, мактабларда эркак ўқитувчиларнинг қиз болаларга тегажоклик қилиш ижтимоий-ҳуқуқий муаммолари кўпайган [16].

Адлия комиссарлигида сақланган “За всякое посягательство против раскрепощения женщин” номли архив ҳужжатида маълумот берилишича, 1937 йилда 274, 274-б, 274-в, 274-г моддалари билан 490 кишига жиноят иши очилиб, улардан 142 киши қамалган, 348 киши турли жазолар билан жазоланган. Айнан шу йили 274 модда билан яъни “за выдача замуж несовершенно летных или малолетних” айблови билан жами 193 та жиноят иши очилиб, улардан 92 таси қамалиб, 101 кишига турли жазо чоралари қўрилган. 1938 йилнинг ярмида эса 30 та жиноят иши очилиб, 7 киши қамалган [17] дейилса, шу йиғмажилдда сақланган бошқа ҳисоботда 118 та жиноят иши очилиб, 31 киши қамалган деб маълумот берилади [18]. Шунингдек, Қалин пули олишда ҳам жиддий чоралар қўрилиб, жиноят кодексининг 273-моддаси (“уплата калыма”) билан 60 (6 таси қамалган), 1938 йил 1-ярмида 40 кишига (4 таси қамалган) жиноят иши очилган [19].

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ССР ижтимоий-ҳуқуқий масалаларига оид маълумотлар асосан Ўзбекистон МИҚ, ХКС ва Адлия комиссарлиги фондлари, ҳукуматнинг расмий ҳисобот нашрлари, раҳбарларнинг маъруза ҳисоботлари ҳамда ҳукуматнинг меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари ва даврий матбуот материалларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Манбалар таҳлилига кўра, республикада расмий ҳисобот ва ҳужжатларида ер ислохотлари даврида бой, руҳоний, зиёли, ўрта ҳол, батрак, чорикор, кичик ер эгалари, камбағал, кулоқ, ишлаб чиқарувчи ва хизматчилар табақаларига бўлинди. Аммо оммавий колхозлаштириш сиёсатидан сўнг республикада Хизматчи, ишчи, колхозчи, яқка тартибдаги меҳнатқашлар, кулоқлар ва бошқа (зиёли, руҳонийва ҳоказо) ижтимоий гуруҳлардан иборат эди.

Аҳолининг асрлар мобайнида амал қилиб келаётган диний, миллий урф одатлари эътиборга олинмасдан, мамлакатда аёлларнинг паранжи ташлаш масаласи сиёсат даражасига кўтарилди. Натижада ушбу ҳолат бўйича жиноятлар авж олган.

Аёлларнинг паранжи ташлаши натижасида зўровонликка учраши, уларнинг янада совет ҳокимиятидан паноҳ излашга, уларнинг сиёсатини оқланишга сабаб бўлди. Диний уламоларнинг аҳоли ўртасида роли обрўйи янада тушиб кетди.

30- йилларга келиб колхозларда паранжи ташлаганлиги учун эри билан ажрашиб бошқага турмушга чиқиш, паранжи ташлаганларни зўрлаш, мактабларда эркак ўқитувчиларнинг қиз болаларга тегажоклик қилиш ижтимоий муаммолари кўпайган.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Материалы к отчету правительства Узбекской ССР Центральному Исполнительному Комитету Советов Союза Советских Социалистическ. Республик. Издание ЦИК С.С.Р.1926. –С.44; Обзор советско, хозяйственного и социально-культурного строительства Ташкентского округа. / Материалы к отчетному докладу окр.исп. Комитета за 1927/28 г. На 2-м Окр.съезде Советов. Издания Ташокрисполкома. Ташкент: 1929 г. Апрель. – С.34 (1. Materials for the report of the government of the Uzbek S.S.R. Central Executive Committee of the Soviets of the Union of Soviet Socialist. Republic Published by the Central Executive Committee of the S.S.R. 1926. –P.44; Review of Soviet, economic and socio-cultural construction of the Tashkent district. / Materials for the environmental report. Committee for 1927/28. At the 2nd Regional Congress of Soviets. Publications of the Tashkent City Executive Committee. Tashkent: 1929 April. – P.34)
2. Икромов А. Итоги Земельной реформы преспективы ее закрепления. –Самарканд-Ташкент: Издания Узбекского Государственного издательства, 1926. 35 стр.; Отчет правительства Узбекской ССР. Доклад Файзуллы Ходжаева. Издания ЦИКа Советов УзССР. 1926. – С. 53. (Ikramov A. Results of the Land Reform and prospects for its

- consolidation. –Samarkand-Tashkent: Publications of the Uzbek State Publishing House, 1926. 35 pp.; Report of the government of the Uzbek SSR. Report by Faizulla Khojaev. Publications of the Central Executive Committee of the Soviets of the UzSSR. 1926. – P. 53)
3. Издолная аренда в Узбекистане/ по материалам переписей 1927 и 1929 г.г. в гнездах Андижана и Касан-Сай./ – Самарканд, 1930. – С.5 (Sharecropping in Uzbekistan / based on materials from the 1927 and 1929 censuses. in the nests of Andijan and Kasan-Sai./ – Samarkand, 1930. – P.5)
 4. Икрамов А. Итоги Земельной реформы преспективы ее закрепления. –Самарканд-Ташкент: Издания Узбекского Государственного издательства, 1926. 35 стр. (Ikramov A. Results of the Land Reform and prospects for its consolidation. –Samarkand-Tashkent: Publications of the Uzbek State Publishing House, 1926. 35 pp.)
 5. ЎзМА, Р-93-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғмажилд, 30-варақ (UzNA, fund R-93, list 1, collection 3, sheet 30)
 6. Икрамов А. Итоги Земельной реформы преспективы ее закрепления. –Самарканд – Ташкент: Издания Узбекского Государственного издательства, 1926. –С.7. (Икрамов А. Итоги Земельной реформы преспективы ее закрепления. –Самарканд – Ташкент: Издания Узбекского Государственного издательства, 1926. –С.7.)
 7. ЎзМА, Р-86-фонд, 10-рўйхат, 766-йиғмажилд, 35 – варақ (UzNA, fund R-86, list 10, collection 766, page 35)
 8. ЎзМА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2217-йиғмажилд, 22-23-варақ (UzNA, fund R-86, list 1, collection 2217, sheets 22-23)
 9. ЎзМА, Р-837-фонд, 3-рўйхат, 244-йиғмажилд, 4-варақ (UzNA, fund R-837, list 3, collection 244, sheet 4)
 10. ЎзМА, Р-837-фонд, 3-рўйхат, 244-йиғмажилд, 23-24 варақлар (UzNA, fund R-837, list 3, collection 244, sheets 23-24)
 11. ЎзМА, Р-904-фонд, 1-рўйхат, 140-йиғмажилд, 48- варақ (UzNA, fund R-904, list 1, collection 140, page 48)
 12. Второй Съезд Советов Рабочих, دهقانских и красноармейских депутатов Узбекской Советской Социалистической Республики. Стенографический отчет. Издание ЦИК Советов УзССР. Самарканд. 1927. –С. 143-144 (Second Session of the Councils of Workers, Farmers and Red Army Deputies of the Uzbek Soviet Socialist Republic. Verbatim report. Publication of the Central Executive Committee of the Soviets of the UzSSR. Samarkand. 1927. – P. 143-144)
 13. Обзор советско, хозяйственного и социально-культурного строительства Ташкентского округа. /Материалы к отчетному докладу окр.исп. Комитета за 1927/28 г. На 2-м Окр.съезде Советов. Издания Ташокрисполкома. Ташкент: 1929 г. Апрель. –С.34 (Review of Soviet, economic and socio-cultural construction of the Tashkent district. /Materials for the environmental report. Committee for 1927/28. At the 2nd Regional Congress of Soviets. Publications of the Tashkent City Executive Committee. Tashkent: 1929 April. –P.34)
 14. ЎзМА, Р-86-фонд, 10-рўйхат, 766-йиғмажилд,66-варақ (UzNA, fund R-86, list 10, collection 766, sheet 66)
 15. ЎзМА, Р-86-фонд, 10-рўйхат, 766-йиғмажилд,72-варақ (UzNA, fund R-86, list 10, collection 766, sheet 72)
 16. ЎзМА, Р-86-фонд, 10-рўйхат, 766-йиғмажилд, 80-варақ (UzNA, fund R-86, list 10, collection 766, sheet 80)
 17. ЎзМА, Р-904-фонд, 9-рўйхат, 414-йиғмажилд,15, 116-варақлар (UzNA, fund R-904, list 9, collection 414, sheets 15, 116)
 18. ЎзМА, Р-904-фонд, 9-рўйхат, 414-йиғмажилд,116-варақ (UzNA, fund R-904, list 9, collection 414, sheet 116)
 19. ЎзМА, Р-904-фонд, 9-рўйхат, 414-йиғмажилд, 115-варақ (UzNA, fund R-904, list 9, collection 414, page 115)



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 7, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
VOLUME 7, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000